



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 23-may. Shanba 60 (31.963)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ДАВРА СУХБАТИ

БИЗ ТИНЧЛИКНИ СЕВАДИГАН, АРДОҚЛАЙДИГАН ХАЛҚМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида бўлиб ўтган тадбир тинчлик, кадр-қиммат ва эзгуликка бағишланганлиги билан ҳам қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. «Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир» мавзусида ўтган давра суҳбати давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунда билдирган фикрлари мазмун-моҳияти, уларнинг аҳамияти бўйича тарғибот ишларини кучайтириш масалаларига бағишланди.



Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хотамжон Кетмонов сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг ҳозирги тинч ва осойишта кунларни қадрлаш ва асраш зарурлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари замирида катта ҳаётий тажриба ва чуқур маъно

борлигини таъкидлади. — Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда, — деди партия етакчиси. — Шундай кескин вазиятда мамлакатимизда пухта ўйланган сиёсат юритилаётгани турли хатарларнинг олдини олмақда. Республикаимиз минтақада

ва глобал миқёсда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган кўплаб халқаро ҳужжатларга қўшилган ва уларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Бу мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда...

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги, шунингдек, 2015 йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан қуйи палатанинг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастури қабул қилинган эди.

Қонунчилик палатаси дастури ижроси — депутатлар эътиборида

Жорий йилнинг 22 май кuni мазкур Дастурнинг 5-бандида назарда тутилган вазифалар ижроси таҳлиliga қаратилган давра суҳбати ўтказилди. Унда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси қoшида тузилган экспертлар гуруҳи аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш бўйича фракциялар муносабати билдирилди. Қонунчилик палатаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳукумат аъзоларининг, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг маърузаларини мунтазам, тизимли асосда эшитиш масалаларига доир қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштироки эътиборида қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати маълумоти асосида тайёрланди.

МУНОСАБАТ

Ижтимоий-иқтисодий соҳа, умуман, жамият ривожланишининг энг муҳим омили — бу инсон капиталидир. Унинг мўъжизавий яратувчанлик салоҳияти, тадбиркорлиги, ташаббускорлиги ва интеллектуал қобилияти жамият ривожини янада юксалтиришга бирламчи асос бўлади. Шу боис тадқиқотчилар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда доимо марказий ўринда шахс турлини эътироф этишади.

Ишлайман деган одамга ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошланган илк йиллардаёқ кишилар фаоллигини ошириш, яратувчанлик, ишбилармонлик ва ташаббускорлик фаолиятини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти кафолатлари, имтиёзларининг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Ислохотларнинг босқичма-босқич олиб борилиши соҳада иқтисодий муносабатлар шаффофлигини таъминлашда, ривожланган бозор муносабатларига яқинлашишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарорлаштиришнинг муҳим йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти кафолатлари, имтиёзларининг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Ислохотларнинг босқичма-босқич олиб борилиши соҳада иқтисодий муносабатлар шаффофлигини таъминлашда, ривожланган бозор муносабатларига яқинлашишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада амалга оширилаётган ишларни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛАРИ сайловчилар билан учрашувлар ўтказди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламентига мувофиқ, жорий йил 25-30 май кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ўз округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

СўЗ — ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

ПАРТИЯМИЗНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ

электорат муаммоларини ўрганиш ва манфаатларини ҳимоя қилишда асосий механизмга айланмоғи зарур



Алишер Тошматов, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

Партиянинг жамиятдаги таъсир кучи, обрў-эътибори Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига боғлиқ. Чунки бугунги кунда қуруқ сўзлар, ваъдалар, баландларовоз шиорлар билан мавқега эришиб бўлмайди. Ҳар бир айтилган гапнинг устидан чиқилиш, берилган ваъда бажарилишига, одамлар партияга ишонади, суянади. Бунга эришиш учун аввало, сайловчилар, электорат вакиллари ташвишга солаётган масалалардан хабардор бўлиш талаб этилади. Айнан шу ўринда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқ керак.

Маълумки, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти йилдан йилга такомилла-

шиб бормоқда. Бунда ЎзХДП Марказий Кенгашининг йўриқномалари, тавсиялари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2014 йилда партияимиз Жамоатчилик қабулхоналарига вилоят бўйича 533 мурожаат бўлди. Шулардан 406 таси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари аъзолари ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмағида ижобий ҳал этилди. Қолганлари ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Мурожаатлар асосида аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлашни янада яхшилаш, коммунал хизмат кўрсатишнинг аҳолига доир масалалар ҳар ойда партиянинг маҳаллий кенгашлари ҳамда депутатлар иштирокида мониторинг қилинди.

Жаҳон гимнастика юлдузлари Ўзбекистонда

Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Cup» — 2015 халқаро турнири бошланди. Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимپия захираси спорт мактабида мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида ташкил этилган турнирларда иштирок этиш учун Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Россия, Латвия, Беларусь, Болгария, Малайзия, Озарбайжон, Арманистон, Жанубий Африка Республикаси, Испания, Италия, Аргентина, Швейцария, Финляндия, Исроил ва бошқа мамлакатлардан энг кучли гимнастикачилар келган.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти Л.Каримова-Тиллаева халқаро мусобақаларни очиб деб эълон қилди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар берётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда спортнинг қизларга хос турлари, айниқса, бадий гимнастикани янада оммалаштириш, ма-лакали мураббийлар тайёрлаш, уларнинг фаолиятини ҳар томон-

лама кўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган ҳамжўрлик туфайли мамлакатимизда янги истеъдодлар, маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда, улар халқаро майдонларда Ўзбекистон шон-шавкатини янада юксалтирмоқда.

Гимнастика билан шугулланиш инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантириш билан бирга, унинг феъл-атвори, фазилатларини ривожлантиради, иродасини чиниктиради. Ўзбекистон гимнастика федерацияси мамлакатимизда ушбу спортнинг барча асосий турлари —

Нострификациялаш қандай амалга оширилади?

Хорижий давлатларда олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни легаллаштириш ҳамда Ўзбекистондан ташқарида таълим олган мутахассисларни ишга жойлаштириш борасида фуқароларимизда турли саволлар туғилмоқда.



спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, трамплин, акробатикани оммалаштиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимиз кўмағида иқтидорли спортчиларни аниқлашга ёрдам бераётган минтақавий ва республика мусобақалари мунтазам ўтказилаётди.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:


Келажак кўприклари



Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиб чиқди

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

■ «ФАОЛ аёллар» қаноти Қашқадарё вилоят ва Муборак туман бўлимлари ҳамкорликда «Қишлоқда қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш — уларни ижтимоий қўллаб қувватлашнинг муҳим жиҳатидир» мавзусида тадбир ўтказди.



Қишлоқ қизларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг спортга бўлган қизиқишларини кучайтириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир доирасида тумандаги 4 та коллеж қизлари ўртасида волейбол мусобақаси ҳам ташкил этилди.

Унда Ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи қизлари биринчи, Саноат касб-хунар коллежи қизлари иккинчи ва Тиббиёт касб-хунар коллежи қизлари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Хуршида ХУРРАМОВА

КҮРИК-ТАНЛОВ

■ ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигоҳида» лойиҳаси доирасида кўрик-танлов ўтказди. Унда жисмоний имконияти чекланганлар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг иқтидорли ўқувчилари 6 шарт бўйича беллашдилар. Танловда Акмалжон Умаралиев учинчи, Гулираъно Акбарова иккинчи, Манзурашон Шокирова биринчи ўринни эгаллади. Қатнашчилар ва голибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Лобар ЖАББОРОВА

ДАВРА СУҲБАТИ

БИЗ ТИНЧЛИКНИ СЕВАДИГАН, АРДОҚЛАЙДИГАН ХАЛҚМИЗ

Дарҳақиқат, оsoйишта турмушимизни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг ҳушёр ва огоҳлигимиз, Ватан тақдирига дахлдорлигимизга боғлиқ. Бунинг учун партия тизимида олиб борилаётган тарғибот-тушултириш ишларига, алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Уруш кўпгина давлатлар қатори мамлакатимиз аҳолисини ҳам қайғули ва оғир синовлардан ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида республикамиз аҳолиси 6 ярим миллион нафарни ташкил этган бўлса, шундан 1,5 миллион нафарга яқини урушга сафарбар этилган, яъни ҳар беш кишидан бири жангда қатнашган. Бу ўша пайтда 17 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларнинг деярли ҳаммаси, дега-нидир.

Энди тасаввур қилинг, агар аска-р жаҳод ҳалок бўлса, унинг ортида оиласи, фарзандлари, ака-укалари қандай аҳволга тушиб қолади. Уруш сабабли минглаб оилалар боқувчисидан айрилиб, қийин шароитларда кун кечиришга мажбур бўлган. Шукри-ки, ўша кулфатларга бардош бериб, бугунги кунларга эсон-омон етиб келган отахон-онахонларимиз бор. Уларга меҳр-эътибор кўрсатиш ҳар биримиз учун шарафли бурчдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида оқилона фойдаланиш, уларни тиббий ва ижтимоий муҳофазалаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратиш-моқда.

Айниқса, ЎзХДП фаоллари



Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида жасорат кўрсатган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш каби хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Бугун дунёда бўлаётган воқеалар, турли сиёсий низо ва ихтилофлар кучайиб бораётган бир шароитда Президентимизнинг «Бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак!» деган сўзлари чуқур ҳаёт ҳақиқатларини ўзида акс эттирган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Собитхон ТУРҒУНОВ**.

— Шунинг учун партиямиз аъзолари электрот вакиллари билан учрашувларда бугунги эркин ва озод, тинч ва оsoйишта кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидлаб бориши зарур. Чунки тинчлик — бебаҳо неъмат.



Санжар ШОТЎЛҲАНОВ олган суратлар.

Унга эришиш, уни сақлаб қолиш осон эмас. Шунинг учун ҳар биримиз атрофимизга теранлик билан қарашимиз, турли таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса чиқариб олишимиз лозим. Бунда кексаларимизнинг ўғитлари, уларнинг ҳаётий сабоқлари муҳим ўрин тутади...

Жорий йилда ҳам Ўзбекистон ХДП томонидан бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Бу эзгу ишга партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари муносиб ҳисса қўшмоқда...

Давра суҳбати давомида кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатишдаги муаммолар ўрганилиб, аниқланган масалалар ўз жойида ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилаётгани, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига масалалар киритилаётганилиги айтиб ўтилди.

— Бугунги тадбирда Юртбоши-

миз томонидан айрилган ҳаётий фикрлар мазмун-моҳиятини тенгдошларим орасида тарғиб қилишга бўлган иштиёқим янада ошди, — дейди **Тошкент авиасозлар касб-хунар коллежи талабаси Шахноза Абдурахмонова**. — Президентимизнинг ҳозирги тинч ва оsoйишта кунларни кадрлаш ва асрашга доир фикр-мулоҳазаларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида самарали тарғиб қилиш ниҳоятда долзарб масала эканлигига амин бўлдим.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги тинчликни асраб-авайлаш, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида тарғибот ишларини янада изчил олиб бориш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Ишлайман деган одамга ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши раиси
ўринбосари.

Биламизки, иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг самарали ва муҳим омилларидан бири ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат. Жаҳон тажрибаси ҳам буни тасдиқлайди. Шунинг учун сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, солиқ тўловларини амалга ошириш, банкларда ҳисоб-рақамларини очиб ва операцияларини амалга ошириш, кредитлар олишда имтиёзлар беришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилди. Бунда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш, ташқи ва ички бозорларда ҳамкорлик, иқтисодий муносабатларни ўрнатиш, ўз маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиш ёки четдан маҳсулот ва товарлар сотиб олиш, молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш, тадбиркорлик фаолиятига янги замонавий технологияларни жорий қилиш, тўловлар ҳамда ҳисоботларни электрон шаклда амалга ошириш

бўйича қатор қулайлик ва энгилликлар берилди. Булар, албатта, ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Агар 1991 йилда Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 1,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 30,0 фоизни, бугунги кунда 56 фоизни ташкил этмоқда ва ишга лаёқатли аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Биз бу кўрсаткичларни бошқа мамлакатлар билан таққослайдиган бўлсак, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида катта ижобий юксалишлар бўлаётганини кўриш мумкин. Масалан, бугунги кунда Россия Федерациясида кичик бизнеснинг улуши 21-22 фоизни, Қозғистонда - 22 фоизни, Хитой Халқ Республикасида - 60 фоизни, Япония ва АКШда - 52 фоизни, Бразилияда - 60 фоизни, Европа Иттифоқи давлатларида 67-68 фоизни ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида солиқ юкининг босқичма-босқич камайитрилиб борилаётгани ҳам тизимни

янада тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар 1996 йилда соҳадagi солиқ юки 36 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда ягона солиқ тўлови 7 фоиз, 2011 йилдан бошлаб 6 фоиз, саноат соҳасида 5 фоизни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 15 май куни эълон қилинган фармони-га мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва уларни ишончли ҳимоялаш юзасидан тўртта асосий йўналиш бўйича жорий йилда амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларни кўзда тутувчи комплекс Дастур қабул қилинди. Унда соҳани жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар, имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини олиб боришни соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш орқали тадбиркорлик-ка янада эркинлик бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Дастурда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган яна қатор йўналишлар ифода этилган. Масалан, интер-фаол давлат хизматлари ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида уларни рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишнинг 24 соатлик узлуксиз жараёнининг жорий қилиниши, электрон савдоларда иш-тирик этиш тартибида

уларга энгилликлар яратиш, туман шаҳар ҳоким-ликлари ҳузурида «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъект-ларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказла-рининг ташкил этилиши соҳа ҳодимлари учун катта қулайликлар яратади. Бу билан вақт ҳам, малбағ ҳам тежаллади.

Яна бир муҳим масала. Дастурда ер майдонлари ажратиш, қурилиш-монтаж ишларида қўллаб-қувват-лаш, турли текширишлар-га чек қўйиш ва улар сонининг қисқартирилиши, мансабдор шахслар жавобгар-лигини кучайтириш маса-лаларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Буларнинг барчаси хусу-сий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини ошириш, тадбир-корлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чек-ловларни бартараф қилиш-да муҳим ўрин тутади. Бу масала ЎзХДП учун прин-ципал аҳамиятга эга. Мазкур Дастур ихроси ишлаб чи-қариш ва хизмат кўрсатиш-ни ривожлантиради, энг му-ҳими, янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли бандли-ги таъминланишига мустах-кам замин яратади.

2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбир-корларга ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан таш-мақари пенсия жағмармаси-га энг кам ойлик иш ҳа-қининг 50 фоизи миқдори-да сугурта бадали ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгилан-

ган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир на-фардан уч нафаргача иш-чини ёллаш ҳуқуқининг бе-рилиши, айниқса, партия-миз электорати бўлган ки-шиларнинг иқтисодиётда банд бўлишига, барқарор даромад олишларига ва шу билан бирга, уларнинг иж-тимоий ҳимоясини таъмин-лашда ҳам муҳим ўрин ту-тади.

Шу ўринда таъкидлаш ке-ракки, ЎзХДП Сайловди-дастурида ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари би-тирувчиларининг бандлиги-ни таъминлаш масалалари-га катта эътибор қарати-лган. Фармонда яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи бити-рувчиларини ишга ёллаган ҳолда уларга тегишли им-тиёзлар берилиши белги-ланган. Яъни, партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун сама-ралли ҳуқуқий асос ва катта имконият очилмоқда. Бу, ўз навбатида, қўллаб касб-хунар коллежлари битирув-чиларини ўз мутахассис-ликларини бўйича ишга жо-йлаштиришда қулайлик туғди-ради.

Шулардан келиб чиқиб, партиямиз фаоллари, депу-татларимиз мазкур фармон ижро этилишида, қонунлар-га қўшимча ва ўзгаришлар киритиш жараёнида фаол иштирок этиши зарур бўлади. Зеро мазкур фар-монда белгиланган чора-тадбирлар ўзи, оиласи, фарзандлари, юрт келажа-ғини ўйлаб, мустақил иш бошламоқчи бўлганларга кенг йўл очади. Бу мамла-катимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалти-риш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлиги оши-шига хизмат қилади.

СЎЗ — ЎзХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

Шунингдек, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлиги бўйича қилинган муружаатлар асосида олиб борилган ишлар натижасида айрим туман-ларда бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Бу масалалар, аввало, партия гуруҳи йиғилишида, сўнгра халқ депутатлари Сардоба, Боёвут, Оқ олтин туман Кенгашлари сессияларида кўриб чиқилди.

Партияимизнинг Жамоатчилик қабулхоналари

электрот муаммоларини ўрганиш ва манфаатларини ҳимоя қилишда асосий механизмга айланмоғи зарур

Жорий йилнинг биринчи чорағида вилоятдаги 12 Жамоатчилик қабулхонасига 115 муружаат бўлди. 70 муружаат идора ва ташкилотлар кўма-ғида ижобий ҳал этилди. Қолгани назоратга олин-ди ва айримларига ҳуқуқий маслаҳатлар берил-ди.

Шу йилнинг март ойида вилоят партия кенга-ши Жамоатчилик қабулхонасига Нуробод қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси газ таъминотида ўзи-лишлар бўлаётгани тўғрисида муружаат қилган. Бу масала халқ депутатлари вилоят Кенгашида-ги партия гуруҳи томонидан ўрганилиб, ижобий ечим топди.

Туман, шаҳар кенгашлари ҳузуридаги Жамо-атчилик қабулхоналарида ҳам ижобий ўзгариш-ларни кузатиш мумкин. Гулистон, Янгйер ша-ҳар партия кенгашлари фуқаролардан тушган муружаатларнинг аксариятини ҳал қилишга эришган. Аммо айрим шаҳар ва туман кенгаш-лари қоидадаги Жамоатчилик қабулхоналари фа-олиятини қонқарли, деб бўлмайди. Ширин ша-ҳар, Мирзаобод, Ховос туман кенгашларида му-рожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш, уларни ижобий ҳал этишда сустқиликка йўл қўйилмапти. Биз бу масалалар улар билан алоҳи-да иш олиб бораёلمиз. Албатта, партия ташки-лоти ва гуруҳи фаол бўлса, ҳудудда муружаат-ларга ечим ҳам топилади. Шу боис уларнинг фаолиятини кучайтириш учун ўқув машғулотла-ри, семинар-тренинг, давра суҳбатлари ташкил этиб бораёلمиз. Соҳага доир ўқув кўланмала-ридан кенг фойдаланишга эътибор қаратаёلمиз.

Шу билан бирга, Жамоатчилик қабулхоналари-нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий компьютер ва коммуникация воситалари, зарур сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашга ҳаракат қилияёلمиз.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида бар-ча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда де-путатлар иштирокини таъминлаш зарур. Мисол учун, аҳоли муружаатларини таҳлил қилиб, ҳудудлар учун хос бўлган масалаларни умум-лаштирган ҳолда, юқори партия ташкилотлари-га олиб чиқиш лозим. Бошланғич партия таш-килотларимиз фаолият кўрсатадиган корхона-ларда эса ишчиларнинг меҳнат шароити, ижти-моий ҳимояси қандайлигини ўрганишимиз ёки маҳалла фуқаролар йиғинларида эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий нафақа олиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш зарур. Бу жойлардаги муаммолар ечим топишига кўмаклашади.

Электротратни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш йўллари билан барча манфаатдор ташкилот-лар билан биргаликда муҳокама қилиш, аввал партия гуруҳида, вилоят, туман, шаҳар Кенгаш-ларидаги доимий комиссияда, зарур бўлса, сес-сияда кўриб чиқиш талаб этилади. Шу орқали халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзоларининг ўз сайлов ок-ругларидаги фуқаролар муружаатлари билан ишлашнинг янги босқичга кўтариш мумкин.

Сиёсий партияни халққа яқинлаштирадиган, жамиятда таъсир кучини оширадиган энг му-ҳим восита — одамлар манфаатини самарали ҳимоя қилишдир. Демак, бу борада Жамоатчи-лик қабулхоналари имкониятларидан тўлақон-ли фойдаланишимиз зарур. Бу электрот ман-фаатларини барча ҳудудларда тизимли ўрга-ниш, шу асосда партия ташкилотлари ва депу-татли гуруҳларининг ташаббускорлигини оши-риш, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масала-ларни ўз вақтида ҳал этишда долзарб аҳамият касб этади.

- Электрот манфаатларини ҳимоя қилиш бўйи-ча ЎзХДП депутатлари қандай ишларни амалга оширмоқда?
 - Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш бўйича қандай тажриба тўпланди?
 - Депутатлик гуруҳлари зиммасида бугун қанақа вазифалар турибди?
 - ЎзХДП депутатлари қайси ҳудудларда талаб даражасида фаолият юритмаяпти, уларнинг фа-оллиги ва ташаббускорлигини ошириш бўйича қандай таклифларингиз бор?
 - Мазкур саволларга **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кен-гашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиқдин АЪЗАМОВ**нинг жавобларини кутамиз.
- Бу ҳақдаги мақола газетамизнинг жорий йил 28 май сонида чоп этилиши режалаштирилган.



■ ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУЗЕЙЛАРГА САЁҲАТ УЮШТИРИЛДИ. БУНДАН МАҚСАД ЁШ СИЁСАТЧИЛАРНИ ҚАДИМ ТАРИХИМИЗ БИЛАН ЧУҚУРРОҚ ТАНИШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШINI ЯНАДА БОЙИТИШДАН ИБОРАТ.



■ ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ХҲҲАЙЛИ ТУМАНИДА ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ. УНДА «ЧИҚИНДИЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ, «ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Нострификациясиз ишга жойлашиш эса маълумоти ваколатли давлат органи томонидан тан олинмаганлиги сабабли ноқонуний ҳисобланади.

■ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Нострификациялаш қандай амалга оширилади?

■ Ўзбекистон мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди. Айнан шу туфайли юртимиз фуқаролари дунёнинг исталган мамлакатига саёҳат қилиш, ишлаш ва ўқиш учун бориш имкониятига эгадирлар.

Аммо хорижий давлатларда олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни легаллаштириш ҳамда Ўзбекистондан ташқарида таълим олган мутахассисларни ишга жойлаштириш борасида фуқароларимизда турли саволлар туғилмоқда.

Тахририятимизга келаётган саволларга ҳуқуқшунос Умид ИБАДУЛЛАЕВ жавоб беради.

— Аввало, нострификация нимади англатишига тўхталиб ўтиш жоиз, — деди у. — Нострификация (нем. postifikation, латинча noster — бизники, латинча facere — қилмоқ) деганда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу ҳужжатларнинг қонуний кучга эга эканига розилик бериш тушунилади.

Хорижий давлатларда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон Қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

Хўш, Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш қандай мақсадларда ўтказилади?

Диплом соҳибни расман Ўзбекистон Республикасида тегишли таълимга эга бўлмас, бундай ҳолатда хорижда олинган таълим даражасини тасдиқлаш учун уни тан олиш (нострификация) тартиб-қоидаларидан ўтказиш зарур.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация-

лаш (эквивалентлигини қайд этиш) деганда ваколатли давлат органи томонидан ушбу ҳужжатлар эгалари тайёрлагани даражаси мувофиқлигини белгилаш ва уларга Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги ҳужжатларига эга бўлган шахсларга берилгани каби академик ва (ёки) касбий ҳуқуқлар берилиши тушунилади.

Хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш тартиб-қоидаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро келишувлари ва тавсиялари, давлат таълим стандартлари, узуқсиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Шу асосда савол туғилади: хорижда таълим олган ёшларнинг дипломини Ўзбекистоннинг қайси давлат идоралари нострификациядан ўтказиши ва бунинг учун қандай ҳужжатлар зарур?

Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳамда тегишли гувоҳнома бериш бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидagi Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун:

— таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ўзи жойлашган давлатнинг ваколатли органи томонидан тан олинган бўлиши;

— таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда тан олинган бўлиши;

— таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олиниши Ўзбекистон Республикаси билан давлатларaro битимларда кўзда тутилган (кооперация усули ёки мақсадли ўқитиш йўли билан олинган таълим бундан мустасно) бўлиши зарур.

Нострификациялаш учун ҳужжатнинг эгаси Бошқармага юқорида келтирилган Низомга мувофиқ ариза ва зарур бўлган материалларни тақдим этади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва уларнинг эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги аризага қўйиладиган материаллар илова қилинади:

— маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасини асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, якуний баҳолаш, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа баҳарилган талаблари кўрсатилиши лозим);

— маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси.

Ариза Бошқарма томонидан Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлари) буйича бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ташкил қилинади. Эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Ушбу комиссиялар таркибига етук олимлар ва мутахассислар қиради. Комиссия фаолиятини мувофиқлаштириш Бошқарма томонидан амалга оширилади.

Бошқарма эксперт комиссиясининг ҳулосаси ва тақлифини кўриб чиқиб, таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг



эквивалентлиги ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалент эканлигини қайд этилганлиги ҳақидаги қарор ҳужжатнинг эгасига махсус гувоҳнома бериш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Маълумот тўғрисидаги ҳужжат гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

Хорижий давлат таълими нодавлат олий ўқув юртининг таълим тўғрисидаги дипломи нострификациялаши тўғрисида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2002 йил 16 июлдаги 3-сон баённомаси қарорида «Нодавлат мақомидаги олий ўқув юртлири томонидан берилган дипломларни қайси давлатга қарашлилигидан қатъи назар, нострификация қилиш таъқиқлансин» деб кўрсатилган.

Шу сабабли, нодавлат таълим муассасалари томонидан берилган дипломлар Ўзбекистон Республикасида тан олинмайди ва нострификация қилинмайди. Нострификация қилинмаган таълим тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик кучга эга бўлмайди ҳамда мазкур ҳужжат эгасининг ишга қабул қилиниши иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддаси 1-қисми, 5-таъбишида келтирилган талаблар баҳарилмаганлиги сабабли ноқонуний ҳисобланади.

Хорижий давлатнинг олий маълумот тўғрисидаги дипломи нострификация қилмасдан туриб, хусусий секторда (устав капиталида давлат улушига эга бўлмаган корхона) ишга жойлашиш қонуний ҳисобланадими?

Таъкидлаш керакки, хорижий давлатнинг таълим тўғрисидаги дипломи Ўзбекистон Республикасида давлат намунасидаги ҳужжат ҳисобланмайди.

Демак, хорижий диплом эгаси учун нострификация тартиб-қоидаларидан ўтиш мумкин, нострификациясиз ишга жойлашиш эса маълумоти ваколатли давлат органи томонидан тан олинмаганлиги сабабли ноқонуний ҳисобланади.

Имкониятдан фойдаланиб, нострификация хусусий ташкилотга ишга жойлашиш вақтида мажбурий эмас, дея кенг тарқалган бошқа хато фикрни инкор этмоқчиман. Бунда баъзи бир ҳуқуқшунослар ушбу фикрни асослаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2010 йилдаги 181-сон «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига мурожаат этадилар.

Улар таълим даражасига қўйиладиган минимал талаблар борасида Классификаторини хусусий сектор томонидан қабул қилиш тавсиявий тусга эга эканлиги, нострификация жараёнининг амалга оширилиши ҳам ўқиги тавсиявий тусга эгаллиги ҳақидаги хато фикрни илгари суришга ҳаракат қиладилар.

Келинг, вазиятни таҳлил

қилиб кўрайлик. Кўчирманинг асл нусхаси қуйидаги кўри-нишга эга: «Классификатор ишга қабул қилишда ходимларнинг маълумоти даражасига қўйиладиган энг кам талаблар юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган барча давлат органилари ва ташкилотларида, ҳўжалик бошқаруви органиларида, шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда қўлланилиши мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса — тавсия тусига эга».

Этибор қилиш лозимки, классификаторни умуман қўлламаслик тавсия тусига эга эмас, балки давлат томонидан таълим даражасига нисбатан белгиланган минимал талабларни қабул қилиш хусусий сектор иш берувчиси томонидан ходимни ишга олиш пайтида корхонадаги вазиятлар асосида қайта кўриб чиқишлиши мумкин, дейилмоқда.

Нострификация ишга жойлашиш вақтида таълим даражасига қўйиладиган талаб эмас, балки таълим тўғрисидаги ҳужжатни хусусий ёки давлат сектори иш берувчисининг ходимлар бўлимига тақдим этилгунга қадар ваколатли давлат органи томонидан тан олиниши ҳисобланади.

Қолаверса, нострификация тўғрисидаги Низомда маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалент эканлиги қайд этилганлиги ҳақидаги қарор ҳужжатнинг эгасига махсус гувоҳнома бериш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаришга асос бўлиб хизмат қилиши ва ҳужжат эгасининг маълумот тўғрисидаги ҳужжати гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон ёшлари хорижда нодавлат таълим муассасаларига ўқишга киришдан олдин улар томонидан бериладиган диплом Ўзбекистоннинг ваколатли органи — Давлат тест маркази томонидан нострификация (тан олиниши) қилиниши ёки қилинмаслиги ҳақида ўйлаб қўришлари фойдадан холи бўлмайди. Улар бунинг учун Давлат тест марказига мурожаат қилишлари ёки тест марказининг веб-сайтида жойлаштирилган маълумотлар билан яқиндан танишишлари зарур.



Ер шари бўйлаб саёҳат қилмоқчи

Яқинда аэропортда узоқ масофага парвоз қилиш бўйича дунё рекордини ўрнатган таниқли рус сайёҳи Федор Конохов «360 Подмосковье» телеканалига берган интервьюсида алоҳида таъкидладики, у энди яхтада сузиш бўйича дунё рекордини янгиламоқчи. Амикроғи, Ер шарини уч марта айланиб чиқмоқчи.



— Экспедиция йўналишларини расмий белгилаб ва тегишли ташкилотлар билан келишиб олганман, — дейди у. — Саёҳат учун керакли багискаф Австралиядан бунёд этилмоқда. Яқин кунларда у ерга бориб, багискафни кўриб келаман. 2018 йилда Мариана ботигидан йўлга отланаман ва ҳеч қаерда тўхтамай, 2022 йилгача Ер шарини уч бора айланиб чиқаман. Саёҳатни молиялаштириш ишлари ҳал этилган.

Журналистларнинг «Сизни бундай хатарли, лекин мароқли ишга нима, ёки ким мажбур қилди?» деган саволига у «Жек Лондоннинг, Фенимор Купернинг ва Майн Риднинг китоблари» дея жавоб берди.

Дарҳақиқат, китоблардаги персонажларнинг қизиқарли ва кўрқинчли саргузаштлари Федорни ҳам янги қаҳрамонлик сари ундаган бўлса ажаб эмас.

Омад кулиб боқса, ҳеч гап эмас

Омад, деган нарсга борми ўзи, дея савол берсангиз, аксарият кишилар омаднинг борлигига ишонини айтишади. Аммо унга ишонмайдиганлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бирок улар ҳам ишониларига тўғри келади. Негаки, қуйидаги воқеа айнан омад борлигини, у туфайли ютуқларга қўмилиб яшаш мумкинлигини исботлайди.



Гап шундаки, «ABC» телеканали хабарига қараганда, Лас-Вегас шаҳрида яшовчи кекса хоним Жоан Гинтерга 17 йилда 4 бора омад кулиб боққан. Яъни тўрт марта лотерея ўйинидан йирик миқдорда пул ютуғи чиққан.

Дастлаб унга 1993 йилда омад кулган: 5,4 миллион доллар миқдоридagi ютуққа эга бўлган. Ушанда 15,8 миллионга ҳолатдан 1 тасига бахт кулиб боққан эди. Мазкур ютуқ пуллари хали харжлаб бўлмади, 2006 йилда яна катта ютуқни қўлга киритган: бу 2 миллион долларлик ютуқ 1 миллионга ҳолатдан 1 тасига чиққан. 2008 йилда эса яна ютуқ соҳибига айланган: 3 миллион доллар (1,9 миллионга ҳолатдан 1 тасига омад кулган). 2010 йилдаги ютуғи аввалги ютуқлардан бир неча бор кўплиги билан ажралиб туради: 10 миллион доллар. Бу ютуқ 1 миллион 200 мингга ҳолатдан 1 тасига тўғри келганлиги лотерея ташкилотчилари томонидан баён қилинган.

Гинтер дастлабки ютуқни 19 йил давомида бўлиб-бўлиб олишга қарор қилган. Бошқа ютуқларни эса ўша захоти олган.

Гинтер хоним омадлар кўршовида қариллик гаштини сурмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Тендерная комиссия ГАЖК

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

объявляет тендер № 6 на 2015 год на приобретение аттракционов для зоны отдыха и парка «Анхор Локомотив»:

Лот 1.Прокатные карты для детей в возрасте от 6 до 12 лет, используемое в закрытых помещениях в количестве 15 единиц.

Лот 2.Прокатные карты для молодых людей от 12 до 20 лет, используемые в закрытых помещениях в количестве 15 единиц.

Лот 3.Прокатные карты для взрослых, используемое в закрытых помещениях в количестве 10 единиц.

Лот 4.Двухместные прокатные карты, используемые в закрытых помещениях в количестве 2 единиц.

Лот 5.Гибкое модульное ограждение трассы-длина трассы 562 м.

Лот 6. Оборудование необходимое для организации проката картов в картинг-центре в количестве 4 комплектов.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темирйўлбилгилгитамин», комната 410. Тел: 237-94-72, факс: 238-84-43. Электронная почта: lsrailov55@mail.ru

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.



■ 2015-2019 йилларда 25 МИНГ КИЛОМЕТРДАН ЗИЁД ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТАРМОҚЛАРИ ХАМДА 5 МИНГТА ТРАНСФОРМАТОР ПУНКТИНИ ҚУРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.



■ САМАРҚАНД — БУХОРО ХАМДА САМАРҚАНД — ҚАРШИ ОРАЛИФИДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАЧ, УШБУ ЙЎНАЛИШЛАРДА ХАМ ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАР ХАРАКАТЛАНАДИ. БУНИНГ УЧУН ЯНА ИККИТА ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОПОЕЗД ХАРИД ҚИЛИНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН.

Тошкент шаҳрида бошланган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги ва «Happy Caravan» халқаро турнирида дунёнинг энг кучли юзга яқин гимнастикачиси ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этмоқда.

Жаҳон гимнастика юлдузлари Ўзбекистонда



■ Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқаро талабаларга тўлиқ жавоб берадиган марказлар ташкил этилди, уларда ҳар куни минглаб ўғил-қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

2011 йилда Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби ташкил қилинди. Олимпиадага тайёрлаш маркази ҳисобланган ушбу мактаб Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари учун турли мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва йирик турнирларни ташкил этиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилишга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор, — дейди япониялик мураббия Ока Куруми. — Барча шаҳар ва туманларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида қизлар спортнинг бир

неча тури билан шуғулланиб, соғлом бўлиб улғаймоқда, катта спортга қадам қўймоқда. Мамлакатимизда бадий гимнастика тез ривожланмоқда. Ўзбекистон гимнастикачилари халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётгани, юртингизда нуфузли турнирлар мунтазам ташкил этилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Мақомига кўра Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатида яқин турадиган бундай юксак савиядаги бадий гимнастика мусобақалари Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Тошкент шаҳри бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичлари, 2010 ва 2013 йилларда Осиё чемпионати, 2014 йилнинг апрель ойида спорт гимнастикаси бўйича

қитъа чемпионатида мезбонлик қилгани мамлакатимизда спорт, хусусан, гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган тайёргарлик дастурига кўра, гимнастика ҳам мамлакатимизда етакчи спорт турлари қаторидан жой олди. Гимнастиканинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган турлари — бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамполин бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашаётган спортчиларимиз кўрсаткичларини тобора яхшилаш, олимпия йўлларини кўлга киритиш ҳамда Бразилияда бўладиган Олимпиада совриндорлари қаторидан ўрин олиш учун астойдил бел боғлашган.

Жорий йилги спорт мавсумида Ўзбекистон бадий гимнастикачилари нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилган «Aphrodite Cup — 2015» халқаро турнирида Ўзбекистон гимнастикачилари учтадан олтин ва кумуш ҳамда битта бронза медални кўлга киритди.

Яқинда Болгариянинг Варна шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон қақирув кубогининг навбатдаги босқичида ҳамюртимиз Оксана Чусовитина олтин медалга сазовор бўлди. Бадий гимнастика бўйича Францияда ўтказилган

Гран-при турнирининг жамоавий баҳсларида иштирок этган терма жамоамиз аъзолари бронза медални кўлга киритди.

Тошкент шаҳрида бошланган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги ва «Happy Caravan» халқаро турнирида дунёнинг энг кучли юзга яқин гимнастикачиси ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этмоқда.

— Мусобақа жуда юқори савияда ташкил этилган, — дейди италиялик гимнастикачи Литиция Чикконелли. — Ўзбекистонда бадий гимнастикани ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим. Мамлакатимиз спортчилари жуда маҳоратли, мусобақага яхши тайёргарлик кўргани ҳам сезилиб турибди. Ушбу жаҳон кубоги босқичи фойда аҳамиятли. Мен ҳам унда бор маҳоратимни намойиш этиб, галаба қозониш ниятиданман. Бу мусобақа ҳар бир иштирокчи ҳаётида ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишига ишончим комил.

Мазкур халқаро турнирнинг яқалликлар ўртасидаги баҳсларида Анара Давлатова, Нилуфар Шомуродова, Жасмин Юсупова, Елизавета Назаренкова, Анастасия Сердюкова ва Равиля Фархутдинова сингари гимнастикачиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Гуруҳ баҳсларида Луиза Фаниева, Марта Ростобурова, Зарина Курбонова, Валерия Давидова ва Самира Амировадан иборат жамоамиз қатнашмоқда.


Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида катта концерт намойиш этилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

■ Ўзбекистон санъат арбоби Маҳкам Муҳаммедов мамлакатимиздаги атоқли режиссёрлардан бири сифатида «Азиза-хон» номли телевизион фильм, «Қўнғил қўчалари», «Меҳробдан чаён» сингари қўлаб илк телесериалларни томошабинлар ҳукмига ҳавола этган. Шунингдек, у Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», Халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» номли асарларини ҳам саҳналаштирган.

Меҳнат инсонни улуғлайди



Фаруҳ АЛИЕВ олган сурат.

Маҳкам Муҳаммедов мактабда ўқиб юрган пайтларида Фафур Фуломнинг кўплаб шеърларини ёд олади. Бир кун у улуғ шоирга мактуб йўллайди. Унда ўзининг санъатга, адабиётга қизиқишини, шу соҳада таълим олиш олий орзуси эканини ёзади.

Фафур Фулом олис бир қишлоқда ўқийётган оддий мактаб ўқувчисининг хатини безътибор қолдирмади. Ана шу эътибор унинг тақдирини белгилаб берди. Маҳкам Муҳаммедов Тошкентга келиб, олий ўқув юрти талабаси бўлди.

Ҳар бир касбнинг ўз сирасори, бошқалар ҳис қила олмайдиган нозик томонлари

бўлган отасининг қабрини 42 йилдан сўнг қидириб топиш ва хокини юртимизга келтириб дафн этиш учун Маҳкам Муҳаммедовга озмунча ирода, сабр-бардош керак бўлмади.

Бу дунёда ҳамма нимагадир қизиқади. Маҳкам Муҳаммедов эсини таниганидан буюн китоб билан ошно. Ҳозир ҳам қўлидан китоб, газета тушмайди. Шахсий кутубхонасидаги китоблар тўрт хонали уйнинг иккита хонасини банд қилган.

Саксон ёшида ҳам қоматини тик тутиб, йигитлардек қадам ташлаётган, шогирдлар ардоғида юрган устозга қараб, меҳнат инсонни улуғлашига яна бир бор иқдор бўласан киши.

Маҳкам Муҳаммедов бугун табаррук ёшда бўлса ҳам, унинг ҳар бир дақиқаси ҳисоб-китоби. Телевидениега бориб, ёш режиссёрларга маҳорат дарсидан сабоқ берса, «Ўзбекино»да бўлиб, янги фильм премьераси юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиради. Театр режиссёрлари ундан иш тажрибаларини ўрганади. У киши бундан ортиб талабаларга касб сирларидан сабоқ ҳам беради.

Маҳкам Муҳаммедовнинг ҳаёт мазмуни — оилапарварлик, фарзандларига меҳрибон ота, невар ва эвараларга суякли бобо, дўстларга содиқ бўлишдир.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг профессори, Ўзбекистон санъат арбоби, устоз ижодкор, янги-янги ижодий режалардан қўли бушамаётган атоқли режиссёр Маҳкам Муҳаммедовнинг фазилатлари ҳақидаги бу фикрлар дарёдан томчи, холос.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА

EMMM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси оғохлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитригичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:	
Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 202-61-68.	Навоий шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.	Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.	Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.	Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.	Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
	Урганч шаҳри, Наҳмилдин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17968
nuxxada
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.45
Toshinlang vaqti — 00.00

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5 6